Financial and Economic Sustainability
FINECS ISSN-2181-1636 Vol. 4, Issue 3, Aug, 2025
https:// http://finecs.kiut.uz

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ

Карабаев Санжар Абдусаматович
Тошкент Кимё халқаро университети
мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада МДҲ мамлакатларида давлат-хусусий шериклик асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиёти кўриб чиқилган. Унга кўра, лоийҳаларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Соғлиқни сақлаш соҳасида инвестиция лойиҳасини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш босқичлари ва давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларда рискларни тақсимлаш чиқилган.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклик, инвестиция лойихалари, рисклар, хусусий сектор, молиялаштириш, методология.


Мустақил давлатлар хамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида давлат-хусусий шериклик асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиёти жуда муҳим аҳамиятга эга. МДҲ мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Арманистон ва бошқалар, давлат-хусусий шериклик моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда катта тажрибага эга. Бу жараёнда молиялаштиришнинг янги механизмлари ва давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик шакллари муҳим ўрин тутади. Россия Федерациясида давлат-хусусий шериклик механизмининг давлат сиёсатини амалга ошириш ва уни минтақавий ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаш ваколатига эга бўлган органни жорий этиш ва унинг функцияларини белгилаш зарурияти инвестиция лойиҳаларини давлат-хусусий шериклик механизми орқали амалга оширишда муҳимдир[1].

Россия Федерациясининг таъсис субъектларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида давлат-хусусий шериклик соҳасига тегишли минтақавий ваколатли орган тартибга солиши белгиланган. Шу билан бирга, ваколатли орган ёки ривожланиш институти зиммасига “ягона дарча” функциясини юкланган, ундан кўзланган асосий мақсад – давлат-хусусий шериклик механизмида ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиб-қоидаларини содда кўринишга келтириш ва потенциал инвесторларни жалб қилишдир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш механизмида олий ижро етувчи ҳокимият ҳузурида идоралараро маслаҳат органини ташкил етиш ва унинг функцияларини белгилаш. Ушбу орган Россия Федерациясининг бўлиб, давлат-хусусий шериклик соҳасида давлат сиёсатини ва икки томонлама шартларини шакллантириш, инвестицион лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ҳамда баҳолаш ваколатига эга бўлади. давлат-хусусий шериклик механизми асосида ишлаб чиқилган инвестицион лойиҳалари бошлаш ва кейинчалик улар устидан ушбу шартномаларга мувофиқ назоратни амалга оширишни таъминланиш орган вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қуйидаги расмда Россия Федерациясида давлат-хусусий шериклик механизмининг самарали бошқарув тизими зарурий таркибий қисмлари ва улар бўйича минтақавий даражада давлат бошқаруви амалиётида жорий этиш юзасидан тавсиялари ўрин олган.

[1] Guseva, M.S. Razvitie partnerstva gosudarstva i malogo biznesa v innovacionnoj sfere regiona / M.S. Guseva, D.V. Amel'kina, E.O. Dmitrieva. – 2016. – № 6. – S. 288-307.



1-расм. Россия Федерациясида ДХШ механизмининг самарали бошқарув тузилмаси[2]

Шу билан бирга, Олий ижро етувчи ҳокимият ҳузурида идоралараро маслаҳат органини ташкил етиш “Россия Федерацияси бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилган ҳолда давлат инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги низом”ни ҳам қабул қилиш зарурятини пайдо қилади, ва бу орқали давлат-хусусий шериклик механизмларини самарадорлигини ошириш ва инвестицион лойиҳалар сонини ошириш имконияти янада ошиши мумкин. Ушбу кенгаш таркибга ҳокимият масъул вакиллари, тижорий ташкилотлар, маслаҳатчилар ва жамоатчилик вакиллари кириши мумкин. Ишнинг формати субъектнинг стратегик режалари мувофиқ қонунда белгиланган тартибда мувофиқлаштирилади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган структура ишлаб чиқиш. 100 фоиз улуши Россия Федерацияси ихтиёрида бўладиган Ривожланиш институтининг ташкилий-ҳуқуқий шаклида “Ҳудудни ривожлантириш корпорацияси”га учун мос структура ишлаб чиқилади.

[2] Муаллиф ишланмаси

Ривожланиш институтлари давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда муҳум рўл ўйнайди ва уларга (тузилмаларига) эътибор тобора оширилиши керак. Ушбу марказларга қуйидагилар киради:

Калуга вилояти ҳудудий ривожланиш агентлик ҳузуридаги “Давлат-хусусий шериклик маркази” давлат автоном муассасаси;

“Пенза вилоятини ривожлантириш корпорацияси” очиқ акциядорлик жамиятининг таркибий бўлинмаси кўринишидаги Давлат-хусусий шериклик маркази;

Альтай Республикасининг “Альтай давлат-хусусий шериклик маркази” минтақавий автоном муассаса.

Давлат-хусусий шериклик да танлов ўтказиш бўйича масъул бўлган ягона орган жорий этиш. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ва субъект концессия шартномалари бўйича тендерларни ўтказиш (ягона платформа орқали) учун ягона орган ташкил этиш. Бунда унинг функцияларига хусусий шерикларини (концессионерларини) танлов асосида танлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш (таъминлаш) бўйича ваколатларни кучайтириш мақсадида норматив-ҳуқуқий базага ўзгартиришлар киритиш каби вазифалар киради. (ер ва мулк аукционларига ўхшаш).

Давлат-хусусий шериклик соҳасида зарур малака ва тайёргарликка эга мутахассислар тайёрлаш. Давлат-хусусий шериклик соҳасида лойиҳа гуруҳини шакллантириш учун минтақавий ва муниципал раҳбар-ходимлар тайёрлаш тизимини яратиш Давлат-хусусий шериклик ва концессия лойиҳаларини самарали амалга оширишда ўта муҳимдир.

Давлат-хусусий шериклик маркази томонидан таклиф етилаётган схема асосида давлат-хусусий шериклик соҳасида бошқарув органларининг стратегик функцияларини (ваколатларини) тақсимлаш мумкин ва бу орқали маълум ҳужжатлар қабул қилинадиган бўлса, давлат-хусусий шериклик соҳасидаги бошқарув органларининг ваколатларини чегаралаш ва стратегик функцияларини тақсимлашнинг имкони бўлади. Ушбу ҳужжатларга қуйидагилар киради:


Россия Федерациясининг таъсис субъектининг “Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли ижро етувчи орган тўғрисида”ги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, бунда тизимли функциялар ҳам киритилади (Россия Федерациясининг таъсис субъектида Давлат-хусусий шериклик, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш, тендер ўтказиш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш мониторинги);

Россия Федерациясининг таъсис субъектининг “Россия Федерациясининг таъсис субъектида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишда идоралараро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида”ги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари (давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқиш механизмини, давлат органларининг давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ролини тавсифлайди);

Россия Федерациясининг таъсис субъектининг давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида, шу жумладан концессия лойиҳаларида самарали бюджет тақсимотини таъминлаш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

“Россия Федерацияси субъектини ривожлантириш институти фаолияти концепцияси” тўғрисида ҳужжат. Давлат-хусусий шериклик бу давлат сиёсатининг мустақил объекти ҳисобланмайди, балки бу ташкилот давлат инфратузилмасини ривожлантириш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун режалаштириш ҳужжатларига мувофиқ давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этишда Россия Федерацияси таъсис субъектининг инфратузилмасини ривожлантириш мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишларини инобатга

олиш зарур (2-расм).



2-рас. Россия Федерацияси субъектларининг стратегик режалаштириш механизми[3]

Шу билан бирга қуйидаги тавсиялар таклиф етилмоқда:

1. Мақсадларни белгилаш жараёнида турли ҳужжатларида давлат-хусусий шериклик механизмларини ҳисобга олиниши ва бунга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш, жумладан:

-ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли ҳужжатларда ДХШ интеграцияси;

- давлат-хусусий шерикликни ишлаб чиқиш ва жорий қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд ёки тайёрланаётган мақсадли ҳужжатларни устида ўзгартириш ва тузатишлар киритиш;

- давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланган холда субъектнинг инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ёки давлат-хусусий шериклик механизмларини ривожлантиришнинг алоҳида концепциясини устида иш олиб бориш(бу бўлиши мумкин, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси ёки бундай стратегияни амалга ошириш режаси).

2. Давлат ва муниципал дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида давлат-хусусий шериклик механизмларини, шу жумладан, концессия механизмларини ҳисобга олган холда маълум бир тизими яратиш ва бунга қаратилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш.

Бундай комплекс чора тадбирларга қуйидагилар киритишимиз мумкин:

- давлат ёки муниципал дастурлар ва бошқа режалаштириш/дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишдаги тартиби бўйича давлат-хусусий шериклик механизмларда босқичма босқич қўллаш имконияти ва мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиш ва тузатиш;

- инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш маълум бир усул ва шакл сифатида давлат-хусусий шерикликни мавжуд ва тузатилган режалаштириш ва дастурий ҳужжатларга интеграциялаш жараёни.ҳ

1. Россияда *давлат-хусусий шериклик* лойиҳаларини молиялаштириш*:*

[3] Муаллиф ишланмаси

молиялаштириш манбалари**:** Россияда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган лойиҳаларда асосий молиялаштириш манбалари давлат ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлигидан иборат. Лойиҳаларда давлат бюджетидан молиялаштиришнинг бир қисми, шунингдек, хорижий ва маҳаллий инвестициялар, хусусан, банклар ва давлат капитали иштирок этади;

лойиҳаларнинг асосий йўналишлари**:** Россияда транспорт инфраструктураси, аҳолини ижтимоий хизматлар билан таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилади. Мисол учун, Россиядаги кўплаб йўл қурилиши, кўп квартирали уйлар қуриш, шифохона қуриш ва модернизация қилиш лойиҳалари давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилмоқда;

тендер ва контрактлар**:** Лойиҳаларни амалга ошириш учун тендерлар ва контрактлар орқали хусусий сектор жалб қилинади. Бу жараёнда тендерлар шаффофлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2. Қозоғистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш

Қозоғистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари молиялаштирилишида асосан давлатнинг субсидиялари, ёрдамлари ва хусусий инвесторлар билан ҳамкорлик асосида амалга оширилади. Қозоғистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштиришда маҳаллий ва халқаро банклар ҳамда инвестиция фондлари асосий молиялаштириш манбаларидир;

Қозоғистондаги асосий лойиҳалар, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, сув таъминоти, энергетика соҳаси ва аҳолини ижтимоий хизматлар билан таъминлаш каби соҳаларда жорий қилинган;

Қозоғистонда “Astana LRT” транспорт лойиҳаси ва “Green Energy” янгиланувчан энергия манбалари лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари сифатида тан олиниб, ушбу мамлакатнинг инвестиция муҳитига ижобий таъсир кўрсатди.

Қозоғистонда соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг молиялаштирилиши мамлакат иқтисодиёти ва давлат бюджетига бир қатор муҳим таъсир кўрсатади. Қуйида ушбу таъсирлар ва аҳамиятни илмий асосда таҳлил қиламиз:

1) Молиялаштиришнинг аҳамияти жиҳатдан қуйидагиларни таъкишлашимиз лозим:

биринчидан, **молиявий юкни тақсимлаш.** Давлат-хусусий шериклик моделининг асосий устунликларидан бири — инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда давлат бюджетига тушадиган тўғридан-тўғри харажатларни камайтириш ҳисобланади. Масалан, Кокшетау шифохонаси лойиҳасида умумий €365 миллионлик сармоянинг асосий қисми хусусий ва халқаро молия институтлари томонидан ажратилмоқда. Бу давлат маблағларини бошқа ижтимоий соҳаларга (масалан, таълим, ижтимоий ҳимоя) йўналтириш имконини беради;

иккинчидан, **сифатли хизматларни жорий этиш.** Хусусий шериклар ўз инвестициясидан қайтиши учун юқори сифатли ва самарали хизматларни таклиф этиши керак бўлади. Бу, ўз навбатида, давлат тиббий хизматларининг сифатини оширишга туртки бўлади. Қозоғистонда рақамли тиббиёт, HIMS (Hospital Information Management System), LEED/EDGE стандартларида қурилиш каби инновацион ёндашувлар айнан давлат-хусусий шериклик орқали амалга оширилмоқда.

учинчидан, **инновация ва технологик ўсишни рағбатлантириш.** Давлат-хусусий шериклик орқали амалга ошириладиган лойиҳаларда замонавий тиббий

ускуналар, ахборот технологиялари ва экологик самарадорлик каби ёндашувлар мажбурий талаб қилинади. Бу Қозоғистоннинг тиббиёт соҳасида рақамли трансформациясини тезлаштиради ва миллий соғлиқни сақлаш тизимини глобал стандартларга яқинлаштиради.

2) Давлат бюджетига таъсири жиҳатидан қуйидагиларни таъкишлашимиз лозим:

биринчидан, **капитал харажатларни камайтириш.** Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида инфратузилмани қуриш харажатлари хусусий инвестор зиммасига юкланади. Бу давлат бюджетига тўғридан-тўғри сарфни қисқартиради. Масалан, Кокшетау шифохонаси қурилишида давлат томонидан капитал харажатлар амалга оширилмаган, бу давлатга нисбатан "бюджетдан ташқари" молиялаштириш ҳисобланади.

иккинчидан, **операцион харажатлар ва кафолатланган тўловлар.** Давлат, хусусий шерикка хизмат учун белгиланган муддат давомида операцион харажатларни қисман ёки тўлиқ тўлаб боради. Бу харажатлар давлат бюджетига ҳар йиллик мажбурият сифатида юкланади, лекин, агар хизмат сифатли ва самарали бўлса, бу харажатлар ўзини оқлайди. Яъни, умумий бюджет юки ошмасдан, стратегик сарфланади.

учинчидан, **таъсирчан самарадорлик ва қайтариш коэффициенти.** Хусусий шерикларнинг самарадорликка бўлган юқори талаблари ва киритилган инновациялар натижасида соғлиқни сақлаш тизимида харажатлар оптималлашади, хизмат сифатли бўлади. Бу давлатга қисқа муддатда харажатларни қайтариш имконини беради ва ижтимоий иқтисодий фойда орттиради.

Қозоғистонда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш лойиҳалари, хусусан Кокшетау шифохонаси, давлат бюджетига тушадиган тўғридан-тўғри харажатларни камайтириш, сифатли тиббий хизматлар билан аҳолини таъминлаш ва соҳани рақамлаштириш каби йўналишларда катта аҳамият касб этади. Бундай молиялаштириш модели давлат учун молиявий барқарорлик, хусусий сектор учун эса узоқ муддатли инвестициявий даромад манбаи сифатида хизмат қилади. Шу сабабли, давлат-хусусий шериклик механизми ривожланаётган мамлакатлар, хусусан Қозоғистон учун соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлашнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалда мамлакатнинг давлат-хусусий шериклик механизми асосида молиялаштирилган муваффақиятли лоийҳаси - Кокшетау шифохонаси лойиҳасининг умумий молиялаштириш миқдори ва асосий молиялаштирувчиларнинг ҳиссаси кўрсатилган (жадвал).

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, лойиҳа тўлиқ қарз механизмлари асосида молиялаштирилган. Ҳар бир иштирокчи ташкилот лойиҳага муайян миқдорда маблағ ажратган бўлиб, уларнинг иштирок улуши 11% дан 31% гача бўлган. Бу лойиҳада молиялаштиришнинг диверсификация қилинганлигини кўрсатади. Бу каби усул лойиҳа хавфини камайтиради ва иштирокчилар ўртасида молиявий масъулиятни тақсимлайди. Халқаро молия институтлари — EBRD, AIIB, DEG, Proparco ва ICD — жами молиялаштиришнинг ~83.6% ни ташкил этади. Қозоғистон тараққиёт банки (DBK) эса 16.4% улуш билан маҳаллий шерик сифатида иштирок этмоқда. Бу ҳолат лойиҳанинг глобал тажриба ва талабларга мос, лекин миллий шароитга адаптация қилинган модел асосида амалга оширилганини кўрсатади. 365 миллион евро миқдоридаги сармоя Марказий Осиё миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади.

1-жадвал

Қозоғистонда давлат-хусусий шериклик механизми асосида молиялаштирилган Кокшетау шифохонаси лойиҳасининг умумий молиялаштириш кўрсаткичлари[4]

Молиялаштирувчи ташкилот	Маблағ миқдори (EUR)	Улуши (%)	Изоҳлар
EBRD (Европа тикланиш ва тараққиёт банки)	105,000,000	28.8%	Лойиҳада етакчи молия оператори сифатида иштирок этган
AIIB (Осиё инфратузилма инвестиция банки)	113,900,000	31.2%	Қўшма молиялаштирувчи, инфратузилма лойиҳаларида ихтисослашган
DEG (Германия инвестиция корпорацияси)	60,000,000	16.4%	Германия тараққиёт молияси ташкилоти, хусусий секторни қўллаб-қувватлайди
Proparco (Франция тараққиёт агентлиги)	60,000,000	16.4%	Франциянинг хусусий инвестиция институтларидан бири
ICD (Ислом тараққиёт банкининг ХС бўлими)	40,000,000	11%	Шариатга мос инвестиция йўналишида иштирок этган
DBK (Қозоғистон Тараққиёт Банки)	60,000,000	16.4%	Маҳаллий молия институтларидан, миллий шерик сифатида
Жами	**365,000,000**	**100%**	**ДХШ асосида жаҳон молия институтлари орқали молиялаштирилган**

Ушбу маблағ билан 630 ўринли шифохона, ҳар куни 500 беморни қабул қила оладиган амбулатор бўлим, рақамли бошқарув тизимлари (HIMS) ва экологик стандартларга жавоб берувчи инфратузилмалар қурилиши режалаштирилган. Давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳа сифатида давлат ушбу маблағларни тўғридан-тўғри тўламайди, балки хизмат кўрсатиш самарасига қараб аста-секин қайтариш мажбуриятини олади. Бу бюджетнинг тўғридан-тўғри капитал харажатларини камайтириб, уни узоқ муддатли ижтимоий инвестицияга айлантиради. Ушбу лойиҳа халқаро молия институтларининг иштирокини жалб қилгани орқали Қозоғистоннинг инвестиция муҳитини яхшилаш, кредит рейтингига ижобий таъсир кўрсатиш ва келгуси лойиҳалар учун ишончли платформа яратишда муҳим қадам бўлди. Кокшетау шифохонаси лойиҳаси давлат-хусусий шерикликнинг самарали механизми сифатида Қозоғистонда соғлиқни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш, хусусий секторнинг салоҳиятидан фойдаланиш ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни чуқурлаштиришда муваффақиятли намуна ҳисобланади. Жадвалдаги кўрсаткичлар молиялаштиришнинг миқдорий эмас, балки стратегик кўламини ҳам яққол ифодалаб беради.

Қозоғистондаги Кокшетау шифохонаси лойиҳасининг молиялаштирилиши давлат бюджетига бир қатор ижобий таъсир кўрсатади:

[4] https://icd-ps.org/ru/news/icd-commits-eur-40-million-to-kokshetau-hospital-project-in-kazakhstan-which-is-the-first-healthcare-sector-ppp-in-central-asia?utm_source=chatgpt.com

давлат бюджетига тўғридан-тўғри юкнинг камайиши: ДХШ асосидаги лойиҳаларда хусусий сектор молиялаштиришнинг асосий қисмини ўз зиммасига олади, бу эса давлат бюджетига тўғридан-тўғри сарфларни камайтиради.

иқтисодий ўсиш ва иш ўринлари яратиш: Лойиҳа амалга оширилиши давомида қурилиш ва эксплуатация жараёнларида янги иш ўринлари яратилади, бу эса маҳаллий иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади.

сифатли тиббий хизматларнинг таъминланиши: Хусусий секторнинг иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларда замонавий тиббий ускуналар ва технологиялар жорий этилади, бу эса аҳолига сифатли тиббий хизматларнинг тақдим этилишини таъминлайди.

рақамли тиббиёт тизимининг ривожланиши: Шифохона ахборот бошқарув тизими (HIMS)нинг жорий этилиши соғлиқни сақлаш тизимининг рақамлаштирилишини тезлаштиради ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширади.

2020-2024 йиллар даври Қозоғистонда давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали соғлиқни сақлаш ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда фаол босқич ҳисобланади. Бу жараёнда мамлакат ҳукумати хусусий сектор билан узвий ҳамкорликда соҳа инфратузилмасини янгилаш, капитал сармояларни жалб қилиш ва жаҳон тажрибасига мос тизим яратишга интилади.

2020 йил давлат-хусусий шерикликнинг бошланғич институционал босқичи бўлган ушбу мамлакатда. Ушбу даврда мамлакат миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида йирик ДХШ лойиҳалари ҳали амалга оширилмаган бўлса-да, инфратузилма соҳасидаги лойиҳалар тажриба сифатида хизмат қилган. Масалан, Ҳазрат Султон халқаро аэропорти қурилиши Туркиянинг YDA Holding компанияси билан ҳамкорликда PPP асосида амалга оширилган. Бу лойиҳа Қозоғистонда давлат-хусусий шериклик механизмларини амалиётга татбиқ этишда муҳим институционал босқични ифода этади. Мазкур лойиҳа 160 миллион евро атрофида баҳоланган бўлиб, унда давлат ўз иштирокини асосан ер ажратиш ва рухсатномалар орқали амалга оширган. Бу турдаги лойиҳалар соғлиқни сақлаш соҳасидаги келгуси шерикликлар учун платформа яратган.

2021-2022 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасида тайёргарлик ва стратегик режалаштириш даври бўлган, десак тўғри бўлади. Ушбу икки йиллик даврда тўғридан-тўғри тиббий инфратузилмага оид давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида сезиларли фаолият кузатилмади. Аммо ушбу фаза Қозоғистон соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, халқаро тажрибаларни ўрганиш ва потенциал шериклар билан музокаралар ўтказиш даври бўлган. Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (EBRD), Ислом тараққиёт банки (ICD), Proparco ва бошқа халқаро молия институтлари билан музокаралар юритилиб, 2023 йилда амалга оширилган йирик давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг пойдевори қўйилган.

2023-2024 йиллар Кокшетау шифохонаси лойиҳаси ва молиявий диверсификация қилишда муҳим даар бўлди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг йирик давлат-хусусий шериклик лойиҳаси сифатида Кокшетау шифохонаси алоҳида эътиборга молик. Лойиҳа умумий қиймати 365 миллион евро бўлиб, халқаро молиявий институтлар томонидан молиялаштирилган. Ушбу лойиҳа Қозоғистон ва бутун Марказий Осиё минтақасидаги биринчи соғлиқни сақлаш соҳасидаги тўлиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳаси сифатида тарихга кирди.

Лойиҳани молиялаштирувчилар роли қуйидаги бўлган:

EBRD ва AIIB **–** асосий молия операторлари сифатида лойиҳанинг узоқ муддатли молиявий барқарорлигини таъминлади;

DEG, ICD, Proparco **–** халқаро ҳамкорлик орқали молиялаштиришни диверсификация қилишга хизмат қилди;

Қозоғистон Тараққиёт Банки (DBK) **–** миллий ҳамкор сифатида жойлашувга ва маҳаллий бошқарувга интеграциянинг кафолатчиси бўлди.

Лойиҳанинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат бўлган:

630 ўрнли мутахассислашган тиббиёт маркази;

ҳар куни 500 амбулатор беморга хизмат кўрсатиш имконияти;

рақамли тиббиёт (HIMS), LEED ва EDGE экологик стандартларига мувофиқ қурилиш;

Барқарор энергия ва сув ресурсларидан фойдаланиш.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши Қозоғистоннинг давлат-хусусий шериклик моделидаги инвестиция сиёсатининг самарадорлигини намоён этмоқда. Давлатнинг тўғридан-тўғри капитал сармояларини камайтирган ҳолда инфратузилмани янгилаш, аҳоли учун замонавий тиббий хизматлар тақдим этиш, рақамли инновацияларни жорий қилиш ва глобал молия институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича салоҳияти ошган.

Илмий жиҳатдан олиб қаралганда, Қозоғистон тажрибаси “бюджетдан ташқари” инвестиция сиёсатининг амалиётдаги намунаси сифатида ўрганилиши мумкин. Лойиҳалар миллий соғлиқни сақлаш тизимида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ресурс тақсимотини оптималлаштиришнинг самарали моделини яратга. Қисқа муддатли капитал тежамкорлик билан бирга, узоқ муддатли ижтимоий барқарорлик ва сифатли тиббий хизматга олиб келадиган устувор стратегик ёндашувлар асосида қурилган.

3. Украинада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш тажрибаси:

инвестиция манбалари**:** Украинада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштиришда асосан ташқи кредитлар, яъни халқаро молия институтларидан (Жаҳон банки, Европадаги реконструкция ва ривожланиш банки) маблағлар жалб этилади. Шу билан бирга, маҳаллий инвесторлар ҳам лойиҳаларга жалб қилинади.

Украинада давлат-хусусий шериклик молиялаштириш жараёнида махсус юридик шакллар ва тузилмалар ҳам ишлаб чиқилган, улар орқали хусусий сектор лойиҳаларга жалб қилинади.

Украинада давлат-хусусий шериклик механизмлари иқтисодиётда сезиларли роль ўйнашга қодир бўлса-да, молиявий барқарорлик ва қонунчилик муаммолари лойиҳаларнинг амалга оширишини қийинлаштираётган омиллардир.

4. Арманистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш тажрибаси:

молиялаштириш манбалари**:** Арманистонда давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларнинг молиялаштирилишига давлат бюджетидан хоссасида ёрдамлар, хусусий сектордан олган кредитлар ва халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, Европадаги реконструкция ва ривожланиш банки) молиялаштиришга жалб этилган.

тендер ва контрактлар**:** Арманистондаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг молиялаштирилишида тендерлар ва кўплаб аҳамиятга молик контрактлар орқали хусусий сектор жалб қилинмоқда.

таъсир ва натижалар**:** Бу лойиҳалар соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика ва коммунал хизматлар соҳасида ижтимоий натижаларга олиб келмоқда.

5. Белорусия давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш амалиёти:

молиялаштириш механизмлари**:** Белоруссияда давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларда асосан маҳаллий банклар ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилинади.

лойиҳаларнинг йўналишлари**:** Белоруссияда асосан энергетика, коммунал хизматлар, транспорт ва уй-жой қурилиши лойиҳалари ривожлантирилмоқда.

МДҲ мамлакатларида давлат-хусусий шериклик асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиёти турлича, лекин барча мамлакатларда ҳам давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Молиялаштиришнинг асосий манбалари давлат бюджетлари, хорижий ва маҳаллий банклар, халқаро молия институтлари ва хусусий секторнинг иштирокидир. Бу лойиҳаларнинг асосий йўналишлари соғлиқни сақлаш, транспорт, энергетика ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўлиб, улар мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилганда, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лойиҳа хавфларини тизимли равишда аниқлаш, уларнинг эҳтимоллиги ва таъсирини баҳолаш воситасидир. Бу методология лойиҳа муваффақияти учун муҳим хавфларни илгари суришга ёрдам беради. Ресурсларни самарали тақсимлаш ва хавфларни минималлаштиришга имкон яратади. Давлат ва хусусий шерикларнинг вазифалари аниқ белгилаб, ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010
2. Dmitrieva E.O., Guseva M.S. Centry razvitija gosudarstvenno-chastnogo partnerstva: analiz mezhdunarodnoj praktiki sozdanija i razvitija // Internet-zhurnal «NAUKOVEDENIE» Tom 8, №6 (2016) http://naukovedenie.ru/PDF/39EVN616.pdf
3. Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации: учебное пособие / Кабашкин В. А. — М.: Дело, 2010. С.120.
4. Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. — 2007. — № 5–6. С.111.
5. https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/cn/pdf/en/2017/08/tax-impacts-of-ppp-in-china.pdf
6. https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/cn/pdf/en/2017/08/tax-impacts-of-ppp-in-china.pdf